

## ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ГИМНАСТИКА ДАРСЛАРИНИ ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ЎҚИТИШИ САМАРАДОРЛИГИ

**Дилмурод Зоир ўғли Сафаров**

БухДУ Жисмоний тарбия ва спорт  
машғулотлари назарияси ва  
методикаси магистратура  
мутахассислиги талабаси

**Бехруз Халимович Хамроев**

БухДУ Жисмоний тарбия ва спорт  
машғулотлари назарияси ва  
методикаси магистратура  
мутахассислиги талабаси

### АННОТАЦИЯ

Мақолада таълим жараёнида инновацион таълим технологиялардан фойдаланишнинг дидактик асослари тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** инновацион, технология, таълим технологиялари, интерактив, метод.

### EFFECTIVENESS OF TEACHING GYMNASTICS IN HIGHER EDUCATION ON THE BASIS OF INNOVATIVE EDUCATIONAL TECHNOLOGIES

**Dilmurod Zoir ugli Safarov**

Bukhara State University, master student  
majoring in Theory and Methods of  
Physical Education and Sports

**Bekhruz Khalimovich Khamroev**

Bukhara State University, master student  
majoring in Theory and Methods of  
Physical Education and Sports

### ABSTRACT

The article explores the didactic basis of the use of innovative educational technologies in the educational process.

**Keywords:** innovative, technology, educational technology, interactive, method.

### КИРИШ

Ҳар қандай фан, ҳар қандай назария муайян ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, маънавий - маърифий тараққиёт эҳтиёжи ва талаблари асосида майдонга келади, шу ҳаёт, шу жамият билан ҳамнафасликда мазмунан бойиб, шаклан мустаҳкамланиб боради. Бундаг педагогика фани ҳам мустасно эмас. Таълим ва тарбия тўғрисидаги фан сифатида инновацион педагогика фани ҳам худди шундай ижтимоий ҳаёт фан-техника, ахборот технологияларнинг кескин ривожланиши натижасида майдонга келди ва кун сайин бутун жаҳон соҳа мутахассисларининг эътиборига тушиб, жадал ривожланиб бораётган таълим ҳамда тарбия тўғрисидаги янги билимлар тизимига айланди. Унинг

таълимий-тарбиявий қонуниятларини, аҳамиятини тан олган жаҳон ҳамжиҳатлиги педагоглари, дидакт-олимлар, истеъмолчи анъанавий педагогик мерос назарияларига танқидий ёндашмоқдалар. Зеро, амалдаги анъанавий педагогика назарияси ҳозирги тараққиёт талабларини, фан, техника, технологияларнинг жадал ривожланиши натижасида, керакли ахборотларни ёшларга етказишида кўп ҳолларда улгурмаяпти ва назарияларни инновация асосида қайта ташкил этиб ўзлаштириш эҳтиёжини туғдирмокда.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Маълумки, фуқаролик тушунчаси муайян жиҳатлари билан фалсафа, социология фанлари билан боғлиқ. Шу жиҳатдан битирув ишимизнинг фалсафий томонларини ёритишда биз хорижий, МДҲ ва Республикализнинг философлари ишларини ҳам ўргандик. Чунончи, МДҲ ва республикамизнинг файласуф олимлари А.И.Буров, М.С.Коган, М.Н.Верб, М.А.Волович, В.А.Разумний, И.М.Мўминов, М.Хайруллаев, С.Шермуҳаммедов, М.Болтаев, И.Жумабоев, А.Жалолов, М.Имомназаров, М.Эшмуҳаммедова, С.Отамуродов, К.Хоназаров, Б.Нормуродов, Э.Юсупов, Ж.Тўланов, А.Эркаев ва бошқаларнинг асарларида ўз ечимини топди. Уларнинг тадқиқотлари битирув ишимизнинг фалсафий асосларини тавсифлашга манба бўлиб хизмат қилди. Муаммонинг педагогик-психологик хусусиятларини очишида Б.Т.Лихачёв, А.Зунунов, Б.Тўхлиев, М.Очилов, Н.М.Амосов, Ю.К.Бабанский, В.А.Криковский, М.Г.Давлетшин, А.Қ.Муннавваров, М.Куронов, В.А.Краковский, О.Мусурмонова, У.Маҳкамов, Н.Ортиқов, С.К.Аннамуратова, С.Нишонова, М.Иномова, Ж.Ҳасанбоев, С.Х.Файзулина, Р.Ҳасанов, К.Зарипов, М.И.Шилова, Н.Е.Шукрова, Э.Ғозиев, Ф.Шоумаровларнинг рисолалари ва тадқиқот натижаларидан фойдаланилди.

Илмий-назарий адабиётлар ва узлуксиз таълим муассасаларидаги таълимтарбия жараёнини ўрганиш ва таҳлил қилиш шундан далолат бермоқдаки, республикада баркамол авлод тарбияси бўйича анчагина ишлар қилинган, рисолалар ёзилган, тадқиқотлар амалга оширилган. Аммо, баркамол авлод тарбиясининг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлган жисмоний тарбия ва бу тарбия тизимида ўқувчи-ёшларнинг жисмоний ҳаракатчанлиги, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишнинг назарияси ва амалиёти маҳсус илмий муаммо сифатида тадқиқ қилинмаган.

## НАТИЖАЛАР

Инновацион педагогикада таълим марказида таълим олувчи шахси қўйилиб, билим олиш лойиҳалаштирилади, бирлаштирилади ва шу асосида маълумотлар эгалланади. Ўқувчи бундай билимларни ўзлаштириш обьекти эмас, балки

субъекти сифатида қадрланади. Шу сабаб инновацион таълим ва тарбия асосини гуманистик педагогика ташкил этиб, у ўқувчи шахси, қадр-қимматини қадрлашга, унинг эркинлигини таъминлашга, баҳт сари йўналтиришга хизмат қилувчи бўлади. Бу жараёнда билим олувчиинг интеллектуал салоҳияти тан олиниб, унинг ўқув-билув қобилиятини ривожланиши маънавий-ахлоқий фазилатларини юксалтириш учун катта имкониятлар вужудга келтириши мазкур педагогиканинг талабларидан бири ҳисобланади.

Инсонпарварлик педагогикаси шахсга йўналтирилганdir. Шу нуқтаи назардан таълим-тарбиянинг максади, ҳар бир таълим олувчи ва тарбияланувчининг мустақиллиги, эркинлиги, ижодкорлиги қўллаб қувватланади. Шу суносабат билан ҳозирги даврда содир бўлаётган инновацион жараёнларга таълим олаётган ўқувчиларнинг ўзлари иштирок этишлари таъминланади, натижада ўзлантириладиган ва ўзлаштирилган янги ахборотни таълим олувчиларнинг ўзлари ташхислаш, баҳолашлари оқибатида, улар мустақил, эркин фикр юритадиган, қарорлар кабул қилас;лган фаол шахсга айланадилар.

Шунинг учун таълим муассасаларининг таълим-тарбия жараёнида қўлланиладиган инновацион педагогиканинг ўқитиш шакллари, интерактив дебномланадиган методлари, ахборот-коммуникатив технологияларининг ижтимоий-педагогик аҳамияти жуда катта бўлиб, улар билим олувчиларни билимли, интеллектуал салоҳияти юқори, маънавий-ахлоқий даражаси юқори бўлган ёшларни тарбиялашни таъминлайдилар.

**Инновация** (инглизча - *innovation*) - янгилик, янгиланиш, янгиликни киритиш, таълим-тарбияда ўзгартиришлар киритиш маъносини англатади.

Таълимда инновацион технологиялар, ўқув-тарбия жараёнида ўқитувчи- ўқувчи муносабатини янгиланишни, янгилик киритишни назарда тутади ва бу жараённи амалга оширишда, ўқитишнинг замонавий методлари деб номланган интерактив усулларидан фойдаланилади.

**Интерактив** (инглизча “*inter*”- ўзаро “*akt*” - ҳаракат қилмоқ) – билим олишда, тарбия топишда ўзаро ҳаракат (ким биландир сухбат, маслаҳат, мулоқот қилиш) ни англатади.

Демак, таълим- тарбияда **инновацион технологиялар** деб ўқитиш ва тарбиялашда илгор педагогик технологиялар ҳамда интерактив методларни қўллаш тушунилади.

“Ўқув жараёнида **педагогик технология**, деб ёзадилар Р.Ишмуҳаммедов ва М.Юлдашевлар - бу аниқ кетма-кетлиқдаги педагогик жараён бўлиб, ўқувчининг эҳтиёжидан ва теник имкониятлардан келиб чиқсан ҳолда бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан пухта лойиҳалаштирилган ва кафолатланган натижа беришга қаратилган педагогик жараёндир”.

## МУҲОКАМА

Шундай қилиб, замонавий дидактикада таълим-тарбияга инновацион технологиялар тадбиқ этиш давр, мактаб ислоҳотлари талаблари ҳисобланиб, ўқув машғулотларида таълим берувчининг ўрни муайян даражада билим оловчиларнинг фаолиятини дарс мақсадларига эришишга йўналтиришга, натижани олдиндин кафолатлашни назарда тутувчи технологиядир.

Зеро, демократик, ҳуқуқий ва фуқаролик жамияти асосларини қурувчи шахсларни вояга етказиш, аввало таълим-тарбия жараёни учун “... илғор педагогик технологияларни яратиш ва ўзлаштириш юзасидан мақсадли инновацион технологияларни шакллантириш ва амалга ошириш йўли билан илм-фанинг таълим амалиёти билан алоқасини таъминлаш чора тадбирларини ишлаб чиқиш” орқали эришилади.

Бугунги қуннинг таълим мазмунини ўзлаштириш, уни ёшларга натижали ўргатиш, таълим оловчиларни кўпроқ фикрлашга, мустақил ишлашга, ижодий тафаккурни ривожлантиришга ундайдиган дидактик механизмни яратишни тақозо этмоқда. Бу дидактик механизм шундай бўлмоғи лозимки, таълим бериш ва ўқитиши ишлари осон, тез ва соз бажарилсин, мақсад аниқ амалга ошеин, натижа кутилгандек бўлсин. Бу илмий жамоатчилик, олимлар таъкидича дидактик жараённинг интерактив ъ методлари ҳисобланади. Метод барча фанларни тадқик қилиш, назарий ғояларни амалий синаш нуқтаи назаридан ишлатилувчи меъёрий таълимни ўзлаштириш хужжатидир.

## ХУЛОСА

- Инновацион педагогик технологиялар энг, аввало, янги назария ва ижодий изланиш маҳсули бўлганлиги сабабли назария ва амалиёт мутахассислигини таъминлайди.

- Таълим, тарбия ва талабанинг умумий ривожланиши даражасини комплекс (яхлит) ҳал этишда ўқитувчи-тарбиячига амалий ёрдам кўрсатади.

- Ўқитувчи тарбиячига талабанинг реал ўқув имкониятларини, ғоявий-мафкуравий, маънавий-ахлокий тарбияланганлигини аниқлаш ва шу асосда ўқув-тарбия ишларини давр талаблари асосида ташкил этишга кўмаклашади.

- Ўқув материали мазмунидаги энг асосий ғоя, унинг тарбиявий имкониятларини доимо аниқлай олиш.

## REFERENCES

- Исломов Э. Ю., Хамроев Б. Х., Сафаров Д. З. У. УПРАВЛЕНИЕ ВОСПИТАНИЕМ ЮНОГО СПОРТСМЕНА ВО ВРЕМЯ ЗАНЯТИЙ

ФИЗИЧЕСКИМИ УПРАЖНЕНИЯМИ И НА ТРЕНИРОВКЕ //Вопросы науки и образования. – 2020. – №. 20 (104).

2. Усмонов Ш. Х., Самадов С. С., Фармонов А. Ч. ФИЗКУЛЬТУРНО-СПОРТИВНЫЕ ИНТЕРЕСЫ И МОТИВАЦИОННЫЕ УСТАНОВКИ СТУДЕНТОВ //Вопросы науки и образования. – С. 27.

3. Kh K. R., Shukurov R. S., Samadov S. S. The Inquiry On The Changes Of Relations Towards The Basics Of The Culture Of Healthy Life In The Students Of Elective Courses //International Journal of Progressive Sciences and Technologies. – 2021. – T. 25. – №. 2. – C. 112-118.

4. Kadirov R. K., Shukurov R. S. The ways of the activization of the independent works of the students in the educational platform moodle //Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR). – 2020. – T. 9. – №. 5. – C. 27-33.

5. Фарберман Б.Л. Илғор педагогик технологиялар Т.: Фан 2000.

6. Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. -Т.: “Молия”, 2003

7. Толипов Ў.К., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари.Т.: “Фан”, 2006

8. Хўжаев Б.К., Олимов Ш.Ш. Янги педагогик технологиялар: назария ва амалиёт -Бухоро, 2004.

9. ОЛИМОВ Ш. Ш., ХОДЖИЕВА М. Ш. Возможности применения педагогических технологий в образовательном процессе //Молодежь и XXI век-2020. – 2020. – С. 228-231.

10. Олимов Ш. Ш. Некоторые вопросы организации урока на основании педагогических технологий //Молодой ученый. – 2013. – №. 5. – С. 752-754.

11. Нигматуллаева Ш. Х., Ходжаев Б. К. Личность учителя в современном образовательном пространстве //Педагогическое образование: вызовы XXI века. – 2019. – С. 128-131.

12. Арслонов К. П., Шукуров Р. С., Хакимов Х. Н. Изучение предмета «Виды национальной борьбы и методика её обучения» с помощью инновационных технологий //Вестник по педагогике и психологии Южной Сибири. – 2013. – №. 4.